

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

10.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

баргларига ўхшатади. Қачон печакгулнинг сўнги япроғи узилиб тушса, мен ҳам касалликдан вафот этаман, деб ўйлайди. Бундан хабар топган рассом қария Берман чизиб барг ясайди ва уни печакгул шохига маҳкам боғлаб тушади. Баргни узилиб тушмаганини кўрган қизда ҳаётга бўлган интилиш пайдо бўлиб, у тузалиб кетади, лекин совуқ ёмғирли тунда дарахт тепасига чиқиб, қизни кутқармоқчи бўлган рассом қария Берман зотилжамдан вафот этади.

Ҳикоядаги қуйидаги парчада биз кадрсизлик маъносигадаги ўртача салбий баҳони – интел-лектуал қобилият, билиш даражасидан келиб чиқиб ёки ҳиссий-эстетик баҳони яққол юзага чиқи-шини кузатишимиз мумкин: “She was looking out the window and counting – counting backward;” “An old, old ivy;” “...and go sailing down, down, just like one of those poor, tired leaves.”

Асарда зотилжам касаллиги, қари рассом ва унинг охириги ижоди ҳақида га О.Генри томони-дан берилган таърифда ҳам баҳо элементлари юзага чиқади: “**Mr. Pneumonia** was not what you would call a **chivalric old gentleman**”, “Behrman was a failure in art. Forty years he had wielded the brush without getting near enough to touch the hem of his Mistress’s robe. He had been always about to **paint a masterpiece**, but had never yet begun it.” Didn’t you wonder why it never fluttered or moved when the wind blew? Ah, darling, **it’s Behrman’s masterpiece he painted it there the night the last leaf fell**” (О.Генри).

Инглиз ва ўзбек тилларида баҳо категориясида даражаланишнинг ифодаланишида, шубҳасиз, ўхшаш ва фарқли жиҳатлар борки, биз уларни аксиологик ва семантик хусусиятларидан келиб чи-қиб, юқорида гуруҳларга бўлган ҳолда, таҳлил қилиб чиқдик.

Хулоса қилиб айтганда, баҳо субъектнинг баён қилинаётган объектга муносабатини билди-рувчи восита бўлиб (фонологик сатҳдан ташқари), барча сатҳларга хос булган универсал ҳодиса-дир. Шунинг учун фонетик, лексик ва грамматик тил сатҳларида баҳо ифодаланиши мумкин. Қай-си тил сатҳида ифодаланишидан қатъий назар, биз мақолада келтириб ўтилган жадвал асосида да-ражаларга бўлиб чиқишимиз ва таҳлил қилишимиз мумкин.

Назарова Гулбахор Пирмановна (Бухоро Давлат университети)

Инглиз адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, gulbakhorn@mail.ru)

БРИТАНИЯ ФОЛЬКЛОРИДА ЭЛЬФ ОБРАЗИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА

***Аннотация.** Ушбу мақолада Британия фольклоридаги мифологик образлар ва уларнинг ху-сусиятлари ҳақида маълумот берилиб, асосан, эльф мифоними хусусида мулоҳазалар юритилади. Хусусан, инглиз афсона, эртак ва балладаларидаги эльфларнинг табиати, турли хил кўринишида ва вазибаларда тасвирланиши, генезиси ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, эльфларнинг турлари, адабиётдаги бадий-тадрижий тақомили тўғрисида ҳам мулоҳазалар юри-тилган. Эльф сўзи герман тилларида пайдо бўлганлиги, “оқ мавжудот” тушунчаси билан боғлиқ-лиги билдирилган. Аммо турли халқлар фольклорида эльфлар ҳар хил номлар билан аталиши, уларнинг дварфлар (dwarfs), гномлар (gnomes) ва троллар (trolls) каби турлари мавжудлиги, вақт ўтган сари турли ижтимоий ўзгаришлар сабабли эльфларнинг талқинида ҳам ўзгаришлар юз бер-ганлиги, бу ўзгаришлар кўпроқ эльфлар ташқи қиёфаси тасвирида ва поэтик вазибалари талқи-нида кузатилиши, ўрта асрлар фольклори намуналаридаги эльф образи ўн еттинчи, ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи асрлардаги адабиёт намуналаридаги эльфлардан анча фарқ қилиши таъкид-ланган. Инглиз фольклорида эльфлар хонаки ва ташқи, яъни табиат қўйнида ва қишлоққа хос бўл-ган эльфлар кўринишида икки гуруҳга ажратилади. Хонаки эльфлар, асосан, уй-рўзгор руҳи бўлиб, инсонлар билан бирга уйларда ёки уларнинг экин далаларида яққа ҳолда яшайди. Британия фольк-лорида эльфлар ҳамини порлаб, нурланиб турадиган, инсонлардан ҳам жозибали, ёрқин кўриниши-га эгаллиги, ҳақиқатпарварлиги, доимо яхшилик тарафдори эканлиги билан бошқа мифик образлар-дан ажралиб туради. Одамлар эльфларга қўрқув ҳам қизиқиш билан қарашган, чунки улар ўзининг киришимлилиги ва самимийлиги баробарида, асабий феъл-атвори билан ҳам ажралиб турган. Эльфларнинг бу каби турли жиҳатлари тадқиқот доирасида ўрганилиб, натижалар мақолада қайд этилган.*

***Аннотация.** В статье дается обзор мифологических образов и их особенностей в британ-ском фольклоре, и основное внимание уделяется эльфийской мифологии. В частности, ми-фы об эльфах (elves, elves) в английских мифах, балладах и сказках представлены в разных формах и целях, а также данные об истории этого образа. Есть также ссылки на типы эльфов и их вари-*

апии в литературе разных возрастов. Слово Эльф происходит из немецкого языка и связано с понятием белого существа. Но в фольклорной литературе разных народов эльфов называют по-разному. Есть также виды эльфов, такие как гномы, дварфы и тролли. Со временем мифологический образ эльфа изменился из-за социальных изменений. Поэтому, образ эльфа в средневековой фольклорной литературе сильно отличался от эльфов XVII, XVIII и XIX веков. В английской фольклорной литературе эльфы делятся на две группы: внутренние (домашние) и внешние, то есть эльфы, которые обитают в природе. Домашние эльфы – это в основном одомашненные духи. Британский фольклор отличается от других образов в фольклоре тем, что его эльфы сияют, ярче, чем привлекательная человеческая внешность, его правдивость и постоянное стремление к добру. К эльфам в обществе также относятся со страхом и любопытством из-за их изобретательности и искренности, а также из-за их нервного характера. В рамках исследования были изучены различные аспекты эльфов, и результаты представлены в статье.

Annotation. This article provides an overview of mythological images and their characteristics in British folklore and focuses on elven mythology. In particular, stories about elves in English myths, ballads and tales are presented in different forms and purposes, as well as data on the history of this image. There are also references to the types of elves and their variations in literature of different ages. The word Elf comes from the German language and is associated with the concept of a white creature. But in folklore literature of different peoples, elves are called differently. There are also elf species such as gnomes, dwarves, and trolls. Periodically, the mythological image of the elf has changed due to social changes. Therefore, the image of the elf in medieval folklore literature was very different from the elves of the 17th, 18th and 19th centuries. In English folklore literature, elves are divided into two groups: internal and external, that is, elves that are unique in nature and countryside. Domestic elves are basically domesticated spirits, and they lived alone in their homes, in their fields, with rebellion. British folklore differs from other images in folklore in that its elves shine brighter than the attractive human appearance, its truthfulness and the constant pursuit of good. Elves in society are also treated with fear and curiosity because of their ingenuity and sincerity, and also because of their nervous character. As a part of the study, various aspects of elves were studied, and the results are presented in the article.

Калим сўзлар: Британия фольклори, эльф, эллил, эллион, тролл, дварф, гном, валькир, баллада, Эльфейм.

Ключевые слова: британский фольклор, эльф, эллил, эллион, тролль, карлик, гном, валькириш, баллада, эльфхайм.

Key words: British folklore, elf, ellil, ellion, troll, dwarf, gnome, valkyr, ballad, Elfheim.

Кириш. Британия фольклори хилма-хил образларга бой бўлиб, бу образлар ўзига хос хусусиятлари билан нафақат инглиз, балки дунё адабиётида ҳам ўз ўрнига эгадир. Бундай образлар ўзининг серкирралиги ва ҳам салбий, ҳам ижобий характерли хусусиятга эга бўлганлиги билан ажралиб туради. Қайси бир дунё адабиётига назар солмайлик, бу образлар қатнашган асотир, афсона ва эртақларнинг ўша тилда ўтирилган кўринишини учратишимиз, бундай образларнинг дунё адабиётида қанчалик ўз ўрнига эга эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар шарҳи. Машҳур мифологик образлардан бири эльфлар бўлиб, уларнинг келиб чиқиш тарихи бир неча асрларга бориб тақалади. “Эльф” сўзи герман тилларидан келиб чиққан бўлиб, дастлаб, “оқ мавжудот” тушунчаси билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик, бу тушунча ўрта асрларга келиб, ўз маъносини йўқотган ва немис тилидаги zwerg (митти), скандинавия тилларида “huldra” (сирли мавжудот) ва француз тилидаги “fairy” (пари) каби муқобил сўзларга ўзгарган. Эльф сўзининг эльб, элфин, эллил каби муқобиллари ҳам мавжуд. Эльф Британия фольклорида умумий сўз сифатида ишлатилиб, унинг қаторига дварфлар (dwarfs), гномлар (gnomes) ва троллар (trolls) ҳам киритилган.

Эльф Дания фольклор адабиётида “эльв”, англо-саксон адабиётида “aelf”, шведларда “alv”, норвегия адабиётида “alv” ва Исландия адабиётида “alf-ur” номлари билан аталган. Айрим тадқиқотчилар эльф сўзини роман тилидан келиб чиққан бўлиб, “alb”–“oq” сўзи билан алоқадор деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, уэльс ва ирланд фольклорида “elly”/“ailli”–“порлаш” сўзидан келиб чиққан деб тахмин қилишади.¹

¹ Hall, Alaric T.P. The meanings of elf and elves in medieval England. PhD thesis, 2004.

Дарҳақиқат, бир қатор афсоналарда эльфлар ўз эркинлиги билан ажралиб туради. Аммо эльфларнинг таърифини қиёслайдиган бўлсак, турли халқлар адабиётларида уларга турлича таъриф берилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунга сабаб мифологик образларнинг маданиятлараро ўзгаришидир.

Брауннинг фикрича, маъно ўзгарувчан ва индивидуаллашгандир. Яъни, маъно турли хил контекстда турлича ва турли хил контекстдаги маъно ҳам индивидуаллашган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, вақт ўтган сари мифологик образлар қиёфаси ва вазифалари ижтимоий ўзгаришлар сабабли ўзгариши муқаррардир. Шунинг учун эльфларнинг келиб чиқишини таҳлил қилганда, уларни Ўрта асрлар адабиётидан бошлаб тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Ўрта асрлар инглиз фольклорида балладалар оммалашган бўлиб, уларнинг асосий қаҳрамонлари эльфлар бўлган. Аммо балладаларда нафақат эльфлар, балки эльфларнинг турига киритилган дварфлар, гоблинлар, троллар, ҳатто парилар ҳам учрайди. Худди шундай фикрни Арман Жакобсон ҳам таъкидлаб, қадимги Скандинавия адабиётида эльф аниқ таърифга эга бўлмаган атама бўлиб, жуда кенг маънога эга бўлган ва XVII, XVIII ва XIX асрлардаги адабиёт намуналаридаги эльфлардан анча фарқланган. Хусусан, XX аср адабиётидаги эльфлар кичкина кўринишда таърифланса, инглиз балладаларида улар инсонлар гавдасига ўхшаш қилиб тасвирланган.

Тадқиқот усуллари. Мақолада қиёсий-тарихий ва қиёсий-чоғиштирма тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган. Бу тадқиқот усуллари асосида Британия адабиётида эльф мифологизмларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Мунозара ва натижалар. Немис ва Скандинавия мифологиясида эльфларнинг икки тури мавжуд: 1) оқ, яъни меҳрибон ва яхшилик келтирувчи; 2) қора, яъни айёр ва ёмонликка мойил бўлган эльфлар.

Фольклоршуносларнинг фикрига кўра, биринчи турдаги эльфлар ҳақиқий эльфлардир. Иккинчи турдаги эльфлар эса биринчи турдаги эльфларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган гномлардир. Оқ эльфлар донишманд ва сеҳргар бўлиб, улар шеърят, мусиқага иштиёқманд ва бир қатор қобилиятлар эгаси ҳисобланган. Бу турдаги эльфлар, асосан, Альвхейм (эльфлар салтанати)да яшаб, худоларга хизмат қилишган. Оқ эльфларнинг ташқи кўриниши жуда чиройли бўлган.

Англо-саксон афсоналарига кўра, оқ эльфлардан Скандинавия фольклоридаги “валькир”лар образи пайдо бўлган. Валькирлар олтин сочли, мовий кўзли ва сутдек оппоқ териси билан ажралиб турувчи, шунингдек, афсоналарга кўра, абадий яшовчи пари қизлар образидир. Худди шундай кўринишдаги эльфларнинг образи таърифини англо-саксон тили мутахассиси, Оксфорд университети профессори Ж.Р.Толкиен ҳам келтириб ўтган. Унинг фикрича, бундай тасвирдаги эльфлар образи келиб чиқишига скандинавия, англо-саксон ва кельт мифологияси асос бўлган эса-да, улар қадимий ирққа мансуб кўринишни ҳам ўзида сақлаб қолган. Эльфларнинг кўримсиз ёки хунук кўриниши мавжуд бўлмаган ва уларнинг кўзлари, одатда, кулранг, мовий бўлган.

Кельт мифологиясида тоғлар ва тоғ ёнбағирларида яшаган, сеҳргарлик қобилиятига эга бир халқ эльфлар деб номланган. Бу турдаги эльфларнинг аёл ва эркак кўриниши мавжуд бўлган. Кельт афсоналарида берилишича, уларни Медб исмли гўзал ва мафтункор, мовий кўзли, узун олтин ранг сочли қиролича бошқарган. Қироличани кўриш бахтига сазовор бўлган киши ўша заҳотиёқ унга ошиқ бўлиб, унинг висолига етолмай, севги дардидан ҳалок бўлган. Ҳатто оддий эльфлар ҳам баланд қоматли ва кўзни қамаштирувчи чиройга эга бўлган. Эльфлар салтанатига кириб қолган киши дарҳол уларнинг асирга айланиб қолган. Салтанатдан қочиб қолишга эришганда ҳам, улар эс-хушини йўқотиб, жиннига айланиб қолишган.

Инглиз фольклорида эльфлар икки гуруҳга ажратилган: хонаки ва ташқи, яъни табиат қўйнида яшовчи, қишлоққа хос бўлган эльфлар. Хонаки эльфлар, асосан, уй-рўзғор руҳи бўлиб, исоният билан бирга бир уйда ёки уларнинг экин далаларида яққа ҳолда яшаган. Бундай эльфлар шотланд халқ эртакларида браунилар (brownies) деб номланган. Ташқари эльфлари эса ғорларда, тоғларда ва табиат қўйнида кўним топган. Бу турдаги эльфлар, асосан, тўда бўлиб яшаган ва кичкина, мурувватли ва инсонларга хайрихоҳ бўлган.¹

Хонаки эльфлар бир оз муғомбир, қилган яхшилигидан доим наф кутадиган ва ёмонлик қилишга мойилроқ бўлишган. Бундан ташқари, шотланд фольклорида эльфлар инсонларга ўхшатишган ва уларнинг яшаш маконлари Эльфейм деб номланган. Ирланд эртакларида эльфлар “эллил” ёки кўплик шаклда “эллилон” деб номланган. Эллилонлар жуда қадрланган, чунки улар қадимий

¹Jenni Bergman. The Significant Other: a Literary History of Elves. PhD thesis, 2011.

друидларнинг руҳи сифатида қаралган. Айтишларича, эллилар қиёмат кунигача ўз ҳукмини кутиб, одамлар билан бирга бўлишга ҳукм қилинган.

Британия фольклорида эльфлар доимо порлаб, ўзидан нур таратиб туриши, жозибали ва ёрқин кўриниши билан инсондан фарқ қилади. Улар яна ҳамшиша ҳақиқатпарвар, яхшилик тарафдори эканлиги жиҳатидан бошқа мифологик образлардан ҳам ажралиб туради. Жамиятда эльфларга кўрқув ҳам қизиқиш билан қаралган, чунки улар ўзининг киришимлилиги ва самимийлиги, шу билан бирга, асабий феъл-атвори билан ажралиб турган. Агар улар инсоният томонидан тазйикқа учраб қолса, дарҳол ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтарувчи ва ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила оладиган образ сифатида намоён бўлади. Ёмонликка ёмонлик сифатида улар ўз қурбонини тунги даҳшатларга дучор қилиш, ёвуз ишлар қилиш, ёки бўлмаса, душманига ҳужум қилиш каби жазоларни қўллаган. Бироқ уларга зарар кўрсатмаганларга, ҳатто касалликларни даволашда қўлидан келганча ёрдам кўрсатишган. Шу тариқа, улар ижобий образ сифатида ҳам гавдалантирилган.¹

Ҳақиқатан ҳам, эльфлар серкирра ва энг қадимий мифологик образлардан бири ҳисобланади. Гарчи улар минг йилликлардан бери мавжуд бўлишига қарамай, ҳеч қачон ўз оммавийлигини йўқотмаган мифологик образлардандир. Баъзи эртақларда улар одамзоднинг хавфсизлигига таҳдид солиш учун кўплаб усуллардан фойдаланишгани тасвирланса, баъзан одамлар билан тинч-тоғувликда яшаб, улар билан яхши муносабат ўрнатгани акс эттирилади. Айрим афсоналарда, ҳатто эльфлар одамлар билан оила куриб, уларнинг фарзандлари, асосан, инсон қиёфасида туғилгани ва сирли қобилият, гўзал кўринишга эга бўлиши тасвирланган. Ярим эльф ва ярим инсон болакайлар ўзларининг ғайриоддий қобилияти ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Эртақларда бундай эльфлар сеҳргар ёки табиб образларида намоён этилади.

Эльфларнинг ташқи кўриниши ҳам турличадир. Халқ эртақларида тасвирланган эльфларнинг аксарияти аёл жинсидадир, лекин эркак эльфлар ҳам мавжуд. Эльфларнинг ташқи кўриниши воқеа содир бўлган вақт ва жойга қараб ўзгаради. Аёл эльфларнинг аксарияти адолатли образ сифатида тасвирланган. Улар, кўпинча, сарғиш сочли, мовий ёки кулранг кўзли қиёфада гавдалантирилган. Гарчи ташқи кўриниши одамларга ўхшаса ҳам, уларнинг кўринишида баъзи тафовутлар бор. Кўпинча, эркак эльфлар қарияларга ўхшаш тасвирланган, аммо баъзан улар хушбичим ва одамларни ўзига жалб қилувчи жуда чиройли қиёфада акс эттирилади. Масалан, “Там Лин” ва “Эльфин Ритси” эртақларида улар гўзал ва мафтункор этиб тасвирланган. Аммо Шекспир давридаги ёзувчилар эльфларни тасвирлашда бошқача ёндашганлар. Уларнинг ташқи кўриниши худди париларга ўхшаш, яъни митти, қанотчали фаришталар қиёфасида бўлган ва бироз айёр ва ҳийлагар кўринишда акс эттирилган. В.Шекспирнинг “A Midsummer Night’s Dream” асарида эльфларнинг шундай кўринишда тасвирланиши бу ғоянинг бошланғич нуқтаси бўлган. XVIII асрга келиб, инглиз тилидаги “эльф” сўзи немис адабиётига қайтиб кириб, эльфларнинг янги кўринишдаги тасвири пайдо бўлган. Аммо эльфларга бўлган ишонч илк даврлардан бери ўзгармаган, хусусан, шотланд ва скандинавия фольклорида бу образ инсонларнинг тасаввур-тушунчасида доимий сақланиб келган.²

XIX аср охири ва XX асрнинг бошига келиб, саноатлашиш ва шаҳарларнинг ривожланиши сабабли эльфларга бўлган ишонч пасайиб борган. Аммо XX асрга келиб, замонавий адабиётда эльфлар яна оммалашди. Жумладан, Америка адабиётида “Рождество эльфлари” номли эльфларнинг янги кўриниши кенг тарқалди. Бу образ фантазия жанрида ижод қилган Р.Толкиен асарлари орқали кириб келган ва ташқи кўриниши жиҳатидан одамга жуда ўхшаш қилиб тасвирланган. Умуман айтганда, Р.Толкиен ўз асарларида инглиз афсоналари мотив ва образларидан кўп фойдаланган бўлиб, хусусан, мифологик образлар талқинига кенг ўрин ажратган. Масалан, аждарҳолар (dragons), дварфлар (dwarfs), парилар (fairies) ва эльфлар шулар жумласидандир.

Толкиен кўпгина шеърларида, айтайлик, “Book of Lost Tales” асарида пари образига кенг ўрин берган бўлса, кейинчалик, эльфлар образидан шундай фойдаланган. Унинг фикрича, пари образи қадимий француз адабиётидан келиб чиққанлиги, аммо эльфлар инглиз афсоналаридан пайдо бўлганлиги сабабли унинг асарларига мос келган.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, эльфлар билан боғлиқ мифологизмлар Британия фольклори ва адабиётида ўзига хос ўринга эга. Улар гоҳ салбий, гоҳ ижобий образ сифатида келиши кузатилади. Эльфлар Британия фольклорида энг кенг тарқалган мифик образлардан

¹ Шу манба.

² Lynda Taylor. The Cultural Significance of Elves in Northern European Balladry. 2014.

бири ҳисобланади. Асрлар оша эльфларнинг хусусиятлари жамият ва инсоният талабу эҳтиёжларига қараб ўзгара борган ҳамда эртақ ва афсоналардаги бадиий-эстетик вазибалари кенгайиб, ижтимоий мазмун касб этган.

**Nishonova Shaxnoza Muhammadjonovna (Qo‘qon davlat pedagogika
Institute Chet tillar fakulteti o‘qituvchisi), Ismoilova Hilola Inomovna (o‘qituvchi)
MADANIY TAFOVUTLARNING TRANSMADANIY MADANIYATLARARO
ALOQAGA TA’SIRI**

***Аннотация.** Ushbu maqolada madaniy tafovutlarning transmadaniy madaniyatlararo aloqaga ta’sirini muhokama qilamiz. Madaniyat qanchalik murakkab bo‘lsa ham, uni deyarli uch toifaga bo‘lish mumkin, o‘zbeklar va inglizlar o‘rtasidagi o‘ziga xos madaniyatdan kelib chiqadigan tafovutlar ko‘rib chiqiladi, ular, asosan, yaxlitlik va individuallikda, fikr va shaklda namoyon bo‘ladi. Keyin u o‘zbek tilidan ingliz tiliga, ingliz tilidan o‘zbek tiliga tarjima qilishda madaniyat bilan bog‘liq muammolarni hal qilishning samarali usullarini taqdim etadi.*

***Аннотация.** В статье мы обсуждаем влияние культурных различий на межкультурное общение. Независимо от того, насколько сложна культура, ее можно разделить почти на три категории, рассматриваются различия между узбеками и англичанами, вытекающие из конкретной культуры, которые в основном проявляются в целостности и индивидуальности, в мышлении и форме. Затем предоставляются эффективные способы решения культурных проблем при переводе с узбекского на английский и с английского на узбекский.*

***Annotation.** In this article, we discuss the impact of cultural differences on transcultural intercultural communication. No matter how complex a culture may be, it can be divided into almost three categories, the differences between Uzbeks and British arising from a particular culture, which are mainly manifested in integrity and individuality, in thought and form. It then provides effective ways to address cultural issues in translating from Uzbek to English and from English to Uzbek.*

***Kalit so‘zlar:** moddiy, institutsional, aqliy madaniyat, sintetik va analitik til, sintaksisdagi gipotaksiya, madaniy tafovut.*

***Ключевые слова:** материал, институциональность, ментальная культура, синтетический и аналитический язык, синтаксическая гипотаксия, культурные различия.*

***Key words:** material, institutional, mental culture, synthetic and analytical language, syntactic hypotaxia, cultural differences.*

Madaniyat o‘ta murakkab tushuncha va ulkan mavzudir. U dunyodagi deyarli hamma narsani, xoh moddiy, xoh ma’naviy narsalarni qamrab oladi. Ammo murakkab bo‘lishiga qaramay, madaniyatni deyarli uchta toifaga bo‘lish mumkin: ishlab chiqarishning barcha mahsulotlarini nazarda tutadigan moddiy madaniyat, ijtimoiy tizimlar, diniy tizimlar, marosim tizimlari, turli xil tizimlar va ularni qo‘llab-quvvatlaydigan nazariyalarga tegishli institutsional madaniyat. ta’lim tizimlari, qarindoshlik tizimlari va tillar; va odamlarning mentaliteti va xulq-atvori, ularning fikrlash uslublari, e’tiqodlari, qiymat tushunchalari, estetik didi haqida gapiradigan aqliy madaniyat.¹ Madaniyatning barcha xususiyatlariga ega bo‘lgan til institutsional madaniyatga tegishli. Madaniyatning boshqa barcha qirralari singari, til meros qilib olingan, butun jamiyat tomonida birgalikda tarqalgan; Institutsional madaniyatning barcha boshqa jihatlari singari, til ham odatiy bo‘lib, jamiyatning barcha a’zolari tomonidan tan olingan va rioya qilingan qoidalar bilan boshqariladi. Til madaniyatning boshqa qismlarini aks ettiradi, ularni qo‘llab-quvvatlaydi, yoyadi va boshqalarning rivojlanishiga yordam beradi. Tilning ushbu o‘ziga xos xususiyati uni madaniyatning barcha boshqa tomonlaridan ajratib turadi va madaniyatni uzatishda juda muhim ahamiyat kasb etadi[2]. Til madaniyatning hayotiy qoni va madaniyat bu til shakllanishi va rivojlanishi yo‘lidir, deb aytish mubolag‘a bo‘lmaydi. Madaniyatning barcha tomonlarining shakllanishi va rivojlanishi bir-biri bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, til bundan mustasno emas. So‘zlarning ma’nolarini va bu o‘zgarishlarni sinchkovlik bilan o‘rganish moddiy madaniyat, institutsional madaniyat va aqliy madaniyat tilning shakllanishi va rivojlanishiga qanday ta’sir ko‘rsatishini namoyish etadi. Lug‘at fonetikasining har bir tarkibiy qismi, lug‘at va grammatika madaniy rivojlanish samarasidir. Til ustidan nazoratni qo‘lga kiritish uchun zarur bo‘lgan

¹Кашеева А.В. Перекатегоризация в семантике слов английского языка как результат смены социально- культурный доминанты. АКД, М., 2008.

| | |
|--|-----|
| Ходжаниязов Сардор Умарович, Абдуллаева Наргиза Ботировна. Талабалар эстетик маданиятини туризм воситалари орқали ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари..... | 95 |
| Ходжамкулов Умид Нигматович, Абдиримова Интизор Камилловна. Жамоавий лойиҳалар – ўқитишнинг самарали усулларидан бири..... | 98 |
| Расулова Зилола Дурдимуротовна. Талабаларнинг креатив компетентлигини шакллантиришда инновацион педагогик технологияларнинг илмий-методик аҳамияти..... | 102 |
| To‘xtasinova Zilola Mukumovna. Loyiha ishi orqali talabalarda mustaqil ta’lim ko‘nikmalarini takomillashtirish..... | 109 |
| Максудова Гулноз Олимовна. Инглиз тилини ўқитишнинг инновацион технологиялари: анъанавийлик ва ноанъанавийлик..... | 111 |
| Куттибекова Гулжан Тулепбаевна. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш муаммоси..... | 114 |
| Ismoilov Bobur Toxirovich. Matematik hisoblashlarni suv yordamida tasavvur etish..... | 117 |
| Mahmudova Surayo Azizovna. The Importance of Assessment in Teaching Foreign Languages..... | 121 |
| Daukaeva Khalida. Peculiarities of Teaching English for Specific Purposes to Students of Tourism University..... | 123 |
| Khalilova Lenie Fevziyevna. Efficient Use of Modern Technologies in Improving the Quality of Foreign Language Teaching..... | 126 |
| Yakubova Madina Kutfidinovna. Teaching Writing as the Method of Development of Individual Creative Thinking..... | 129 |

INFORMATIKA

| | |
|--|-----|
| Раззаков Бахтияр, Рахимов Рахимжон, Жуманиёзов Сардор, Худайбергенов Темур. «Шарикли подшипник»ни Siemens NX 10 дастурида лойиҳалаш услуги..... | 132 |
| Худайбергенов Темур. Исследование 3D редакторов для изучения студентами вузов..... | 136 |

ILMIY AXBOROT

| | |
|---|-----|
| Norova Gulsanam Maqsutovna. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида диалектал кўп маъноли сўзлар..... | 139 |
| Turniyazov Behzod Nigmatovich. Epistemik darajadagi kauzal munosabatlar..... | 141 |
| Нормаматов Султонбек. Элбекнинг этимологик кузатишлари..... | 147 |
| Turdimurodov Sirojiddin Eshqobilovich. Evfemizmlardan unumli foydalanishning ahamiyatlari..... | 150 |
| Турсунов Акмалжон Ҳамиджонович, Абдурахманова Дилрабо Қодиржоновна. “Бобурнома”нинг В.Штаммлер тажмаси хусусида..... | 153 |
| Джабборовва Матлуба Рустамовна. Саолибийда Жамшид сиймоси..... | 156 |
| Тангиров Низом Абдурахмонович. Ноосфера концепциясининг илмий-назарий муаммолари..... | 158 |
| Рахимова Гулсанам Аширбековна. Шеърлий асарлар таржимасида болалар руҳиятини қайта яратиш масаласига доир..... | 161 |
| Давлетов Икром Юсупович, Сапаев Умидбек Абдуллаевич. Олий таълим муассасаларида инновацион илмий муҳитни шакллантириш..... | 168 |
| Исакова Зилолаxon Зокировна. Баҳо категориясида даражаланиш..... | 171 |
| Назарова Гулбахор Пирмановна. Британия фольклорида Эльф образининг генезиси ва бадиий талқини хусусида..... | 174 |
| Nishonova Shaxnoza Muhammadjonovna, Ismoilova Hilola Inomovna. Madaniy tafovutlarning transmaddaniy madaniyatlararo aloqaga ta’siri..... | 178 |
| Alijanov Oybek G‘anijanovich. Basketbolchilarning ruhiy tayyorgarlik asoslari..... | 180 |
| Болтабоев Хамидулло Хабибуллаевич. Болаларни соғлом турмуш тарзига йўналтиришда жисмоний машқларнинг асосий хусусиятлари..... | 183 |
| Мирбобоева Дилфуза Бахтиёрвна. Морфолого-синтаксические особенности речевых клише французского языка..... | 187 |
| Бакиров Поян Уралович. Книга в пословицах разных народов мира..... | 190 |
| Гаппарова Дилора Азимбаевна. Особенности перевода медицинской терминологии (на латинском, немецком и узбекском языках)..... | 194 |
| Tuyboeva Gulnoza Kuvondik kyzy. Expression of Aesthetic Views in the Translation of Gazelles of Alisher Navoi..... | 196 |